


Кандай килиб GM таъминотчисига айланиш мумкин?

Потенциал таъминотчини урганиш



Таъминотчининг техник имкониятларини баҳолаш

Жорий маҳсулот жараён назорати аудити (PCR audit) қуйидаги 4 йўналиш бўйича қилинади:

- Техник маълумотлар мавжудлиги
- Сифат тизими ҳужжатлари
- Сифат тизимларини тадбиқ қилиш
- Юқори раҳбарият томонидан сифат тизимларини юргизиш, жорий қилиш

Потенциал таъминотчи аудити натижаларига кўра қуйидаги статуслардан бири билан баҳоланади:

Яшил– потенциал таъминотчи барча талабларга жавоб беради;

Сариқ– потенциал таъминотчи талабларга жавоб беради, аммо номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чора тадбир ва Таъминотчилар сифати ва ривожлантириш бошқармаси томонидан тавсиянома (Quad report) талаб қилинади.

Қизил– потенциал таъминотчи талабларга жавоб бермайди, таъминотчи томонидан номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чора тадбир талаб қилинади ва тайёр бўлганлиги тўғрисидаги ёзма расмий хатдан сўнг қайта баҳоланади.

Потенциал таъминотчининг техник имкониятларини баҳолаш

Потенциал таъминотчини баҳолаш (PSA audit) жараёни куйидаги 5 йуналиш буйича олиб борилади:

- Ишлаб чиқариш
- Сифат
- Технология
- Хизмат курсатиш
- Нарх

Аудит натижасига кура потенциал таъминотчига куйидаги ҳолатлардан (баҳолар) бири белгиланади :

яшил – потенциал таъминотчи барча талабларга жавоб беради;


сарик – потенциал таъминотчи талабларга жавоб беради, лекин Таъминотчилар сифати булими томонидан номувофикликлар (камчиликлар)ни бартараф этиш чора-тадбирлари ва тавсиялар талаб этилади;

кизил – потенциал таъминотчи талабларга жавоб бера олмайди, таъминотчи томонидан номувофиклик (камчилик)ларни бартараф этиш буйича чора-тадбирлар тайёрланади ва хат орқали тайёрлиги ҳақидаги хабарга асосан қайта баҳолаш жараёни утказилади

Потенциал таъминотчининг техник имкониятларини баҳолаш

Ушбу йуналишларнинг асосий элементлари куйидагилардир:

- GMW глобал стандартларини олиш имкониятлари ва инглиз тилини билиши, чунки барча техник хужжатлар инглиз тилида;
- Махсулотнинг геометрик улчамларини назорат килиш учун маъкул келадиган инструмент ёки шаблонни мавжудлиги, шунингдек назоратнинг статистик услубидан фойдаланиш махорати;
- 3D чизма (CAD/CAM/CAE) программаларидан фойдаланиш, программалар орқали колиплар иш циклини симуляция килиб куриш;
- GMW глобал стандартлари талабларига асосан валидация (текширув) синовларини утказиш имкониятини мавжудлиги .








Таъминотчининг техник имкониятларини баҳолаш

- Термик ишлов бериш (термическая обработка)
- Хром билан ишлаш (хромирование)
- Пайвандлаш (сварка)
- Кавшарлаш жараёни (процесс пайки)

Юқоридаги махсус жараёнларга эга бўлган бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш жараёни, сифат тизими назорати ва сифатни доимий такомиллаштириш бўйича глобал талабларга мувофиқликни тасдиқловчи техник ҳужжатларни тақдим этиши талаб қилинади.

Ўз навбатида, доимий такомиллаштириш бўйича бир қатор талабларни ўз ичига олиши лозим.



Тижорат таклифини куриб чиқиш. Техник таҳлил.

Тижорат таклифига суровнома (RFQ – Request for Quotation). PCPA/PSA баҳолашнинг ижобий натижасига кура, потенциал таъминотчига бутловчи қисм ҳақидаги маълумотлар (чизма, SOR ва бошқалар) берилади ва ундан шу қисм буйича нарх буйича таклиф бериш суралади.

Техник таҳлил йиғилиши (Technical Review Meeting). Нарх буйича қоникарли таклиф берган потенциал таъминотчилар техник таҳлил йиғилишида GM булимлари вакиллари томонидан техник баҳолашдан утиши керак бўлади. Бу босқичда қуйидаги техник курсаткичлар текширилади:

- Техник ускуналар (ускуна ва технологик жараён);
- Деталларни етказиб беришни ижобий «тарихи»ни мавжудлиги, шунингдек гарантияни таъминлаш ва сотувдан сунг хизмат курсатишнинг тугри жараёнини йулга солинганлиги.

Йиғилишнинг натижасига кура потенциал таъминотчига қуйидаги ҳолатлардан бири белгиланади:

Яшил – потенциал таъминотчи барча талабларга жавоб беради, танловга (сорсинг) қуйилади;

Сарик – потенциал таъминотчи талабларга жавоб беради, лекин техник таҳлилни қайта утказиш талаб этилади;

Кизил – потенциал таъминотчи талабларга жавоб бера олмайди, ва танлов (сорсинг)га қуйилмайди.

Таъминотчини тасдиқлаш жараёни

- Потенциал таъминотчи «Таъминотчини тасдиқлаш жараёни» якунига қадар корхонанинг сифат тизимини намойиш этиши ва GM нинг таъминотчидаги Бириктирилган сифат (BIQ-S: Supplier's Build-in Quality) тизими талабига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этиши керак.
- BIQS, сифатни бошқарув (менежмент) тизимидир. **Сифатни систематик бошқарув доирасида турли хил сифат воситаларини куллаш орқали General Motors (GM) талабларига мувофиқ доимий такомиллашишга мулжалланган.**
- Ушбу тизимни таъминотчида жорий қилиш ҳолати 29 элемент орқали баҳоланади. Мувофиқлик меъзони қуйидагилардир:
 - 29 элементнинг 24 элементи буйича мувофиқлик;
 - IATF 16949 сертификатининг мавжудлиги;
 - Сезиларли тухталищлар/узилишларнинг мавжудмаслиги (GM ишлаб чиқариш конвейерини 20 дақиқадан ортиқ тухтатиш);
 - Охириги 6 ой мобайнида сифат муаммолари миқдори <6;
 - Охириги 6 ой мобайнида таъминотчининг хатоси натижасида ҳисоботлар мавжудмаслиги



Номувофиқликни

Қабул қилма
Пайдо қилма
Бериб юборма


BIQSнинг асосий элементлари

Тезкор жавоб (FAST RESPONSE)

- Сифат ва ишлаб чиқариш босқичларини интизомий амалга ошириш;
- Сифат ва ишлаб чиқариш босқичларини интизомий бажарилиши орқали сифат муаммоларини дархол бартараф этишни таъминлаш.
- Муаммони ҳал қилишда тезкорлик билан жавоб бериш ва қайта алокани таъминлашга йуналтирилган меъзонлар урнатилган.

Номувофик маҳсулотни назорати (CNСМ)


Барча таъминотчилар номувофик маҳсулотларни истеъмолчига етиб бормаслигини таъминлашга масъулдирлар.




Бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш жараёнини тасдиқлаш (PPAP – Production Parts Approval Process)

- Таъминотчи исътемомчининг конструкторлик ва техник талабларини тугри тушуниши шарт;
- Таъминотчининг ишлаб чиқариш жараёни мавжуд шароитларда махсулотни куйилган талабларга мувофик ва белгиланган миқдорда ишлаб чиқариш салохиятига эга булиши шарт.

Жараён харитаси




PFMEA



Бошқарув режаси



Стандартлаштирилган ишчи йурикномалари



Бутловчи кисмларни ишлаб чиқариш жараёнини тасдиқлаш (PPAP – Production Parts Approval Process)

- ✓ Техник тасдиқдан утиш
- ✓ Технологик чизмалар
- ✓ Мухандислик узгаришлар руйхати
- ✓ Конструкция буйича FMEA
- ✓ Жараён оқими схемаси (карта)
- ✓ Жараён FMEA
- ✓ Бошқарув режаси
- ✓ Синов ишлари холати
- ✓ Улчов натижалари
- ✓ Материал (хом ашё) характеристикаси
- ✓ Жараённи статик назорати
- ✓ Улчов тизими тахлили
- ✓ Аккредитация гувоҳномаси
- ✓ Ташқи қуриниши тасдиғи
- ✓ Улчов усқуналари
- ✓ Буюртмачида синов ишлари
- ✓ Субтаъминотчи РРАРи
- ✓ Такқослаш тахлили
- ✓ Жойлашув схемаси
- ✓ Ишлатилаётган қолиплар руйхати

Кискача хулоса

Потенциал таъминотчига куйиладиган асосий талаблар:

- (PSA) меъзонлари буйича коникарли булиши;
- Корхона автомобил бутловчи кисмларини ишлаб чикарувчиларнинг халкаро стандарти (IATF 16949) техник спецификацияларига кура сертификатланган булиши ёки сертификациялаш муддатини уз ичига олган сертификацияга тайёрланиш режаси мавжудлиги;
- Истикболли махсулот сифатини режалаштириш (APQP) жараёни ва бутловчи кисмни ишлаб чикариш жараёнини тасдиклаш буйича хужжатларни тайёрлаш билим/малакаси мавжудлиги (PPAP);
- Махсус ишлаб чикариш жараёнларининг (CQI) доимий сифат такомиллашишининг глобал талабларига мувофиклиги;
- Бириктирилган сифат тизими талабларини тадбик этишнинг ижобий холати (BIQS).